

**BUXORO DAVLAT  
UNIVERSITETI**

**I  
A  
LMIY  
XBOROTI**

**3/2015**

• ANIQ VA TABIIY FANLAR

Saidov Q.S., Botirov K.	Kapillar ho'llanadigan quyosh suvchuchitgichida issiqlik almashinuvি jarayonlari.....	2
Mamatova N.H.	Tenglamalarni qutb koordinatalar sistemasiga o'tib yechish.....	5
Sayidova N.S., Kazimova G.X.	Grafik obyektlarda ranglar va qatlamlar (sloy) tushunchasi (coreldraw dasturida).....	9
Ismoilova M.N., Imomova Sh.M.	Vektorli to'lqin tenglamasiga qo'yilgan aralashmasalani parametrlri ayirmali sxema bilan sonli hisoblash.....	15
Nuriiddinov Ж.З.	Кечикувчи аргументли оддий дифференциал тенгламалар.....	18
Rahmonov A.A.	О свойствах определителя фредгольма, ассоциированного одним семейством операторных матриц.....	22
Умаров Б.Б., Абдурахмонов С.Ф., Худоярова Э.А., Сулаймонова З.А., Гайбуллаев Х.С., Парпиев Н.А.	Биядерные комплексы никеля (ii) с продуктом конденсации бензоилацетона и дигидразида субериновой кислоты.....	28
Norboeva У.Т., Xolliiev А.Э.	Fўза навлари фотосинтезининг соф маҳсулдорлигига шўрланишнинг таъсири.....	32
Қаршиева Д.Р.	Камқонлик касаллиги ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари.....	36
Rahmonov Р.Р., Raimov А.Р., Urakova М.А., Rahimov Ж.Р.	Fyrrok (обыкновенная горлица)ning tarқалиши, biologiyasi va axamiyati.....	40
Nazarovova С.М., Kurvontoev Р.Қ.	Buxoro voҳasida tarқalgan tупроклар ва ularning mechanik tarқibi.....	44
Doniyorov B.N.	Musicha (streptopelia senegalensis linnaeus)ning biologiyasi va ekologiyasiga doir ma'lumotlar (Buxoro viloyati misolida) .....	49

• TILSHUNOSLIK

Жўраева Б.М., Аҳмедова Р.А.	«От» ЛМГ асосида шакланган ўзбек халқ мақоллари услубияти.....	53
Ражабов Д.З., Сариев С.М., Курбанова С.Б.	Эпические традиции и культурные контакты народов мира(на основе героических эпосов тюрко-язычных народов).....	57
Rузметова З.Н., Палванова О.И., Артыкова Г.Ш.	Междометия как средство выражения модальных значений.....	61
Сайдова Г.Б.	Туркий ёзма манбаларда келтирилган ariğ va aṣṣir сўзларининг семантикаси.....	66
Касимова Р.Р.	Ўзбек никоҳ тўйи этнографизмларининг инглиз тилидаги ўйрмалари.....	71
Юсупова О.С.	Эгасиз гапларнинг услубий хусусиятлари.....	76
Салохиддина 3.О.	Поэтические инновации в идиопекте иннокентия анненского.....	82
Жалилова Л.Ж.	Языковые особенности американской сатирической прозы начала xx века.....	88
Baxgonova D.K.	Ispan tilida perro (it) va gato (mushuk) zoomorfizmlarining etnospesifik xususiyatlari.....	92

• ADABIYOTSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А.	Навоий насли нафосати .....	97
Аҳмедова Ш.Н.	Халқ ардоғидаги шоира (Зулфия шунослик сахифаларидан.....	101
Расулов З.И., Пултова М.Т.	Кристофер Марлонинг “Буюк темурланг” (“Tamburlaine the great”) асари асосини ташкил этган шахс зиддиятлари.107	
Мажитова С.Ж.	Жомий ғазалларида “дил”нинг маҗозий маънолари.....	112

Қаршибаева У.Д.	Фарбий европа адабиётида романтизмнинг шаклланиш тамойиллари.....	115
Botirova A.E.	Xalq og`zaki ijodi – oltin meros.....	120

• NAVOIY GULSHANI

Амонова З.Қ.	Инсоний муҳаббат – ҳақиқий ишққа кўпrik демак.....	123
--------------	--	-----

• IQTISODIYOT

Ҳамроев Ҳ.Р.	Буюк давлат тушунчаси ва Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлиши имкониятлари.....	125
Илхомова Ё.С., Шокиров С.И.	Инвестиция қонунчилигининг такомиллашуви - иқтисодий барқарорликнинг гарови.....	130

• TARIXSHUNOSLIK

Ҳайитов Ш.А., Раҳмонов К.Ж.	Қори Йўлдош Пўлатов - маориф жонкуяри, матбаачи, ҳукумат арбоби ва миллий истиқбол курашчиси.....	134
Қандаҳаров А.Ҳ.	Кармана ва унинг Бухоро хонлиги тарихидаги ўрни.....	138
Хўжамуратов У.Р.	Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигига фермерлик ҳаракатининг ўрни..143	

• FALSAFA VA HUQUQ

Raupov C.C.	Парламент назоратининг конституцияий мақоми.....	148
Намозов Б.Б.	Хожа Муҳаммад Порсонинг “Кашф” хусусидаги гносеологик қараашлари.....	152

• SAN'ATSHUNOSLIK

Бадиев М.М., Жўраева Г.Н.	Мавлоно Шариф мажмуаси.....	157
---------------------------	-----------------------------	-----

• PEDAGOGIKA

Мирзаев Ш.М., Болтаев Т.Б., Қобилов Б.Б.	Модул технологияси – таълим жараёнига тизимли ёндашув.....	160
Турсунметов К.А., Махсудов В.Г., Шералиев С.С.	Тебранма ҳаракат бўлимини интеграцион технологиялар асосида ўқитиш.....	164
Арипова X.А.	Языковая игра как методическая форма развития творческой активности учащихся..171	
Ungarov B.N., Eshpo'latov B.X.	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini vatanga muhabbat ruhidatarbiyalashda ommaviy axborot vositalari materiallardan foydalananish (matematika darslari misolida).....	175
Атауллаева С. Ж.	Аббревиатура как репрезентант активности деривационных процессов в русском словообразовании.....	180
Зиядуллаев Д.Ш., Зиёдуллаева Г.Э.	Очиқ жаҳон ахборот ресурслари ва хорижий журналларда мақола чоп этиш усуслари.....	183
Жўраев Ж.Р.	Ёшлар ва ижтимоий муносабатларга оид социологик тадқиқот таҳлили.....	186

• MUNOSABAT

Расулов З.И.	Многоуровневость языковых явлений в системной интерпретации.....	192
--------------	--	-----

• QUTLOV

"Eng faol yosh olim"	tanloving respublika bosqichi .....	194
Талабалар фан олимпиадаси республика босқичи	голиблари.....	195

• E'LON

“Бухоро давлат университети илмий ахбороти”	журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	196
---	---	-----

Бутун ҳаёти, ижоди ёшларимизга ўрнак бўла оладиган Зулфияхоним ҳақида йирик асарлар, биографик романлар, “Машҳур кишилар ҳаёти” сериясидаги китоблар ёзиш адабиётшунослигимиз олдидағи муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Зеро, бугунги истиқлол кунларида Зулфияхоним ижоди янги-янги қирралари билан янада ёрқинроқ, теранроқ намоён бўлмоқда.

### АДАБИЁТЛАР

1. **Зулфия.** Тонг билан шом аро. Сайланма. – Т.: SHARQ HMAK, 2012.–224 б.
2. **Шарафиддинов О.** Ижодни англаш бахти. – Т.: SHARQ HMAK, 2004.–244 б.
3. **Ғафуров И.** Жозиба. – Тошкент - 1970. – Б. 150.
4. **Ғафуров И.** Лириканинг юраги.–Тошкент - 1982. – Б. 100.
5. **Ғафуров И.** Ўттиз йил изҳори. – Тошкент - 1986. – Б. 120.

### КРИСТОФЕР МАРЛОНИНГ “БУЮК ТЕМУРЛАНГ” (“TAMBURLAINE THE GREAT”) АСАРИ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ШАХС ЗИДДИЯТЛАРИ

**Расулов Зубайдулло Изомович**

*БухДУ Инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудири, ф.ф.н.*

**Пулатова Моҳичеҳра Темировна**

*БухДУ талабаси*

**Таянч сўзлар:** бадиий образ, тарихий шахс, тарихий ҳақиқат, бадиий тўқима, уйғониш даври, драматург, фожеа, зиддият.

**Ключевые слова:** художественный образ, историческая личность, историческая правда, художественный вымысел, эпоха возрождения, драматург, трагедия, противоречие.

**Key words:** artistic image, historical figure, historical truth, fiction, Renaissance, playwright, tragedy, contradiction.

*Мақолада Кристофер Марлонинг “Буюк Темурланг” асарида Темурланг образидаги шахс зиддиятлари борасида фикр юритилади.*

*В данной статье рассматриваются противоречия в раскрытии образа Темурланга в трагедии Кристофера Марло «Тамерлан Великий».*

*The article considers the contradictions in the image of Tamburlaine in Christopher Marlowe's "Tamburlaine the Great".*

Кристофер Марло (1564-1593) уйғониш даври инглиз адабиёти тарихига XVI аср охири – XVII аср бошлари трагедия жанрининг кейинги ривожланишини белгилаб берган қатор асарлар муаллифи сифатида кириб келди. У жуда қисқа умр кўрган бўлса-да, бутун дунёга машҳур асарлар яратишига улгурди.

Унинг “Буюк Темурланг” (“Tamburlaine the Great”), “Доктор Фаустнинг фожеавий тарихи” (“The Tragical History of Dr.Faustus”), “Мальталик Яхудий” (“The Jew of Malta”), “Эдуард II” (“Edward II”) каби қатор асарлари ҳанузгача катта қизиқиш билан ўқилади.

Маълумки, кўпгина Шарқ ва Farb ёзувчи ва шоирлари ўз ижодларида соҳибқирон Амир Темур образини яратишига мурожаат этганлар. Шундай буюк бобокалонимиз борлигидан биз ёшлар қанча фахрлансак арзиди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидай: “Соҳибқирон Амир Темур шахси унинг авлодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча ҳалқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир [1, 141].

Шунинг учун ҳам буюк ўтмишдошимиз ҳақидаги ҳар қандай асар бизнинг диққат марказимизда бўлиши керак.

Амир Темур образини яратган Farb ижодкорлари орасида Кристофер Марлонинг алоҳида ўрни бор. Унинг 1587-1588 йилларда ёзган икки қисмдан иборат “Буюк Темурланг” трагедиясида Амир Темур образи афсонавий, романтик бўёқларда тасвирланган.

Асарнинг биринчى қисмидаги қаҳрамоннинг ташки қиёфаси ва Осиё бўйлаб қилган юришлари эпик анъаналар асосида баён этилган. Эпик қаҳрамон Темурланг – ботир, метин иродали, қийин синовларга бардош беради. У унчалик катта бўлмаган қўшини билан мингларча форс чавандозларини тор-мор қиласи, шунингдек, Боязид қўшини ва Миср подшоҳини енгади.

Марлонинг Темурланги – баланд бўйли, тик қоматли, кенг елкали, узун қўлли, олтин сочли шахс. Кўриниб турибдики, у олтин сочлиги билан европаликларга ўхшаб кетади.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Амир Темурнинг ҳаёт пайтида чизилган маҳсус сурати йўқ, лекин унинг замондоши Ибн Арабшоҳнинг соҳибқиронни сўз билан ифодалаган тасвири бор. У Амир Темурни қадди-қомати келишган, баланд бўйли, тик қоматли, кенг пешонали, калласи катта, бағоят кучли, салобатли, юзи оқ-қизилдан келган, лекин биронта доғи йўқ, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, болдир ва пойчалари семиз, қадди-қомати камолига етган, серсоқол, икки кўзи бамисоли шаъм бўлса-да, шодлиги билинmas, йўғон овозли деб сифатлаган эди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур ўлимдан қўрқмас, қартайиб қолган бўлса-да, изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазах ва ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгилхушликка майлсиз эди. У бўлиб ўтган ишга азият чекмас эди ва ҳосил бўладиган ютуқдан шодланмас эди. Амир Темур ўтқир фикрловчи, фаросатли, зийрак, дўст-душманни бир қараашда ажратадиган, мард ва ҳақгўй кишиларни ёқтирувчи инсон эди [3, 48].

“Буюк Темурланг” асарини русчадан ўзбек тилига таржима қилган шоир Маъруф Жалил қуидагича фикр билдиради: “Марло соҳибқирон Темурнинг таржимаи ҳолини эмас, ўз даври ғояларини илгари сурувчи романтик асар яратган. Унинг мақсади Темурни улуғлаш ёки қоралаш эмас. Адолатсиз замонда, инсоф, диёнатни унуглан подшолар жазосини бериш учун Худо томонидан юборилган “ғазаб қамчиси”, “қасос шамшири” бўлган қаттиқўл, шафқатсиз даҳо сиймосини яратиш эди. У шундай қудратли, ҳеч қачон мағлубиятни билмаган даҳо саркарда сиймосини яратди” [7, 23].

“Буюк Темурланг” асари асосини ташкил этган шахс зиддиятлари икки йўналишда кузатилади. Биринчиси, Кристофер Марло яратган Темурланг образи ва реал ҳаётдаги Амир Темур тимсоли орасидаги тафовут бўлса, иккинчиси, Темурланг образидаги ички зиддиятлардир. Марло ўз асарида Амир Темур образини зўр жисмоний кучга эга бўлган, енгилмас иродали, жангчиларнинг йўлбошчиси, шавқатсиз ва қонхўр қўмондон сифатида тасвирлайди, аммо унинг асаридаги Темурланг ушбу образ яратилишига асос бўлган Амир Темур сиймосидан катта фарқ қиласди.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, “XVI аср Европа тарихчилари Темурнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида кўп маълумотга эга эмасдилар. XV аср Византия тарихчиларидан етиб келган озгина маълумотларни улар ўзлари тўқиб чиқарган тафсилот ва афсоналар билан тўлдиргандар” [11, 14]. Таниқли темуршунос олим Харольд Лэмбнинг фикрича, Буюк Темурланг шахси ҳақида аниқ маълумот олмоқчи бўлсанак, авваламбор, унинг ҳаётига кўз ташлашимиз зарурдир. Бунинг учун эса Европа тарихини четга суриб, Темурлангга унинг юришларида унга ҳамроҳ бўлганларнинг кўзлари билан қарашиб жоиз. Акс ҳолда ёш авлод онгиди бир буюк шахс ҳақида нотўғри, бир томонлама фикр шаклланишига сабабчи бўлиб қоламиз [5, 16].

Таниқли рус адабиётшуноси А.Т.Парфёновнинг ёзишича, Марло буюк Темур образини яратишда лотин тарихчилари Пьетро Перондини ва Баптист Фрегосо, испан ёзувчиси Педро Мехианинг асарларидан фойдаланган [8, 615]. Шу каби маълумотлар америка ёзувчиси Жастин Мароццининг “Tamerlane: Sword of Islam, Conqueror of the World” (“Темурланг: исплом шамшири, дунё жаҳонгири”) асарида ҳам берилган. Унда таъкидланишича, Кристофер Марло Темурланг образини яратишда буюк шахс ҳақидаги ўша даврнинг энг сўнгги маълумотларигача ўрганиб чиқкан ва Пьетро Перондини ҳамда Джордж Уитстоун асарларидан фойдаланган [6, 466]. Испан ёзувчиси Педро Мехиа ва унинг замондошлари Темур қиёфасида енгид бўлмас ҳукмдорни тасвирлайдилар. Улар шундай ёзадилар: “Греция ва Рим машҳур қўмондонларининг бирор бир жанговор ҳаракатлари Темурланг ҳарбий тартиб-интизоми ва ғалабаларича машҳур эмасдир”. Темур ботир, қўрқмас жангчи сифатида тасвирланган: “У келишган, соғлом, эпчил, ўтқир зеҳнли, фикр-мулоҳазали, буюк ишларни режалаштириб амалга оширган, жанговор қоидаларга таяниб иш кўрган инсон” [15, 298].

XVI асргача Farb шарқшунослари Темурни камбағал оиладан келиб чиқкан “чўпон”, “оддий аскар” ёки “камбағал ишчи” деб аташган ва нимага эришган бўлса, барчасига ўзининг сабрли ва эътиқодли бўлганлиги учун эришган деб ҳисоблашган. Юқорида эслатиб ўтилган асарлар таъсирида Кристофер Марло Темурлангни оддий скифиялик чўпон, яъни паст табакадан чиқиб, ўз интилишлари, ботирлиги, шафқатсизлиги натижасида ҳокимииятга эга бўлган инсон

сифатида тасвирлаган. Ҳолбуки, жаҳонга машҳур саркарда амир Муҳаммад Тарағай оиласида дунёга келган. У барлос қабиласига мансуб бўлган мулқор беклардан бўлган. Онаси эса Бухоро фузалоларининг энг улуғи бўлган шариат қонунлари шарҳловчисининг қизи Тегинабегим эди. Мана шу келиб чиқишидаги тафовут асадаги образнинг ҳаётий Амир Темурдан катта фарқ қилишига сабаб бўлган. Бундан шундай хулоса чиқадики, Марло аслида тарихий ҳақиқатга яқин асар яратмоқчи бўлган, аммо ўша даврдаги тарихий манбалардан ноаниқ маълумотлар олганлиги туфайли, унинг Темурланги ҳаётий Амир Темурдан йироқлашиб кетган.

Кристофер Марло ижодининг марказида шахснинг шаклланиш жараёни, унинг юқори чўққиларга интилиши туради. “Буюк Темурланг” пьесасида воқеалар ягона шахс атрофида мужассамлашган. Пьесада асосий қаҳрамон ҳоҳиши доимо илгарига сурилади ва у асадаги воқеаларнинг сабабчиси бўлади.

Асада Марлонинг гуманистик қарашлари акс эттирилган. Шунинг учун ҳам унинг Темурланги бошқаларни ҳимоя қилиб чиқкан гуманист-инсонпарвар сифатида намоён бўлади. Аммо у фақат ўз эли ва қўшинига нисбатан инсонпарвар, ёв учун эса муросасиз, қонхўр ва золим. Шу боис асада Темурланг бир томондан улуғланса, иккинчи томондан қонхўр қилиб кўрсатилади. Шу билан бирга, “Буюк Темурланг” драмасини ўқиган сари ойдинлашадики, ундаги бош қаҳрамон бўлмиш талончи, ёвуз Темурланг ва реал шахс, адолат пешвоси Амир Темур бир-биридан катта фарқ қилади. О.Дадабоев: “Буюк Темурланг” драмасини ўқигандан кейин унинг бош қаҳрамони даҳрий ва очкўз Темурланг ҳамда тарихий шахс Амир Темур орасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқлигининг гувоҳи бўласиз”, деб ёзади [2, 38]. Маълумки, буюк ўтмишдошимиз Амир Темур лашкарбоши, ҳоким ва қонуншунос сифатида юксак талантга эга шахс, олим, рассомларга ҳомийлик қилган ва одил инсон бўлган.

Темурлангнинг ижтимоий аҳволи қисса ва қаҳрамонда кўпгина нарсаларни белгилайди. Асарнинг биринчи қисмида Темурланг – бу скифлик чўпон ва ўғри. У савдогарларни талаб, зўравонликлар қилади. Кейинчалик Темурланг эришган буюк ғалабаларга ҳам қарамасдан, ўзининг душман – подшоҳлари учун у шоҳ эмас, балки илгаригидек дайди қароқчи бўлиб қолаверади. Мисол учун, душман саркардаларидан бири Солдан Темурлангга қуидагича баҳо беради:

Soldan

Merciless villain, peasant, ignorant  
Of lawful arms or martial disciple!  
Pillage and murder are his usual trades:  
The slave usurps the glorious name of war [12, 40].

Бунда Солдан Темурлангни аглаҳ, шавқатсиз, қонунларга амал қилмайдиган, талончилик ва қотиллик одати бўлган жоҳил дехқон деб сифатляяпти. Ёки қуидаги мисраларни олиб қўрайлик:

Theridamas  
Tamburlaine! A Scythian shepherd so embellished  
With nature's pride and richest furniture!  
His looks do menace heaven and dare the gods;  
His fiery eyes are fix'd upon the earth [12, 38].

Бунда ҳам Темурлангнинг скифиялик чўпон эканлиги ҳақида ёзилиб, у Худоларга ва самога қарши борган, оловли кўзларини ерга қадаган даҳшатли киши сифатида тасвирланяпти. Ҳар иккала мисолда ҳам Темурлангнинг оддий табақадан чиқканлиги биринчи мисолда дехқон, иккинчи мисолда чўпон дея писанда қилиньяпти.

Марлонинг қароқчи қаҳрамони скифлик чўпон Темурлангнинг ҳокимият учун курашида унга нисбатан ноҳақ бўлган дунёдан ўч олиш характеристи намоён бўлади. Ўз байроби остида у ўзига ўхшаган норози, камбағал одамларни тўплайди. Асада Темурлангнинг ўчи аввало жамиятнинг юқори поғоналарида турганларга қарши қаратилган. Ҳақиқат эса асадаги воқеалардан, тафсилотлардан умуман йироқ.

Соҳибқирон Амир Темур ҳеч қачон ҳокимиятга эришиш йўлида талон-тарож қилишга, жамиятга озор беришга ҳаракат қилмаган, аксинча, ўз халқини зулмдан, ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга интилган. Доимо адолат юзасидан иш олиб борган. “Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан амалга оширдим”

– деб ёзган эди Амир Темур ўз тузукларида [13, 127]. У ҳар қадамини тўққиз баробар ўлчаб, иложи бўлмаган жойдагина қиличга ўрин берган.

Бу каби зиддиятларни нафақат қаҳрамон мисолида, балки тарихий воқеаларда ҳам кўришимиз мумкин. Марло Темурлангининг Турк султони Боязидга бўлган муносабати тарихий манбаларга асосан тасвирланган. Аммо бу манбаларда воқеалар турлича ёритилган. Иброҳим Мўминовнинг ёзишича, Л.Лянгле Боязиднинг асир олинишини қуидаги тасвирлайди: “Темур кун бўйи бўлган жанглардан чарчаб, тўшакда ётганида унинг чодирига қўл-оёклари боғланган Боязидни олиб келишади. Кутимаганда Боязидни қўриб ҳаяжонга тушган ғолиб Темур ўзини кўз ёшидан тутиб қололмайди: Боязиднинг олдига пешвоз чиқиб, уни кишандан бўшатишларини буюради ва қабулхонасига олиб киради... У ўз қароргоҳи олдидан Боязидга чодир қуриб беришларини буюради ва ўзининг машҳур маҳбусига баҳтсиз одамларга кўрсатиладиган ҳамма иззат-хурматни бажо келтиради” [9, 45].

Амир Темурнинг бундай феъл-атвори уни ҳаддан ташқари салбий баҳолаган юонон ва турк тарихчилари томонидан берилган баҳога мутлақо тўғри келмайди. Уларнинг айтишларича, Темур Боязидни занжирдан халос қилган эмас, балки, аксинча, унга шу қадар оғир кишанлар урганки, маҳбус уларни зўрга-зўрга кўтариб юрган... Улар яна қўшимча қилиб айтишади, Темур ўз маҳбусини паст қилиб ишланган темир қафасга қамаган [9, 45]. Кристофер Марлонинг асарида эса иккинчи салбий ҳолат янада бўрттириб, бадиий тўқимага бойитиб тасвирланган. Унда Темурланг ғалабадан сўнг Боязидни темир қафасга ўтқазиб, уни ўзи билан юришларида олиб юради. Асарда ҳақиқатдан фарқли ўлароқ турк султони Боязид бошини темир қафасга уриб, ўз умрига қасд қилади. Буни кўрган хотини ақлдан озиб, ўзининг бошини ҳам эри каби қафасга уриб ёради.

Асар охирида Темурланг Вавилонни забт этиб, ҳокимиятнинг юқори чўққисига эришади, ҳаёти сўнгидаги ўзини Худодан устун кўйиб, муқаддас Қуръонни ўтда ёндиришга буйруқ беради:

Now, Casane, where's the Turkish Alcoran  
And all the heaps of superstitious books  
Found in the temples of that Mahomet  
Whom I have thought a god?  
They shall be burnt [12, 120].

Мусо, Туркиядан олган китоблар қани  
Сеҳр-жоду, кароматлар битилган китоб?  
Насоро бутхонасидан олинган эди,  
Муқаддас деб ўйлагандим! Бари ёқилсин... [4, 118].

Темурланг бу қилмишлари билан Тангри иродасини ўзига қарши қаратади. Қаҳрамоннинг фожеаси худди шу ердан бошланади. У бирданига ҳолсизлик сезади, касалликни енгиш учун қилган барча ҳаракатлари муваффақиятсизликка учрайди.

Бу ўринда адабий қаҳрамоннинг тангрига ва муқаддас китобларга шак келтириши тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Маълумки, Амир Темур художўй шахс бўлган. У Қуръони Каримни ёддан билган ва диний баҳсларда йирик уламолар билан сўз юрита олган. Унинг ўзи тузукларида шундай деб ёzáди: “Мен бутун дунё бўйлаб Тангри динини ва у томондан белгиланган пайғамбар Мұхаммаднинг ўгитларини тарқатишга ҳаракат қилдим. Мен ҳар қачон ва ҳар қаерда динни қўллаб-кувватладим” [13, 127]. Ўзбек тарихчиси Иброҳим Мўминовнинг таъкидлашича, “Сиёsatчи ҳамда дипломат бўлган Темур исломга таяниб, мусулмон динининг нуфуз-эътиборидан фойдаланди ва ўз давлатини мустаҳкамлаш мақсадида бошқа динлардан ҳам фойдаланишга интилди” [9, 41].

“Буюк Темурланг” асарида қаҳрамон шахснинг ҳокимият, яъни подшолик учун курашиш тарихи акс эттирилган. Асарнинг асосини бир шахс тақдирни ташкил этган, аммо асарда ижрочи шахслар жуда кўп. Трагедиянинг иккала қисмида бўбта персонаж иштирок этади. Асосий қаҳрамон эътиқодига ҳеч қандай тўсиқлар бас кела олмайди. Унинг иродаси асардаги воқеа-ҳодисаларга ундовчи сабаб бўлиб, зиддиятлар манбаидир.

Бошлангич саҳналарда Темурланг – бу скіфлик чўпон, ўғри, савдогарларни талон-тарож қилади, ноқонуний юришлар содир этади. Кейинчалик у буюк ғалабаларга эришади. Темурланг камбағал чўпонларга боз бўлиб, ўз эркинлигини монархиядан ҳимоя қилишга журъат этади. Муаллиф Темурлангнинг юқори чўққига чиқиб ғалабаларга эришиши ва кейинчалик қулашини маҳорат билан тасвирлаб беради. Асар қаҳрамони Осиё бўйлаб жанг қилиб, ўзидан кейин

ёндирилган шаҳар ва қатл этилғанларнинг жасадларини қолдиради, босиб олган жойларини вайронага айлантириб, ҳеч кимга раҳм қилмайди. Бироқ бу Амир Темурнинг “Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дараҳт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктиридим” [13, 128] каби сўзларига мутлақо тўғри келмайди.

“Буюк Темурланг”нинг иккинчи қисмида шахсий мақсадларни кўзлаган Темурланг олдида бирор тўсиғи бўлмаган буюк шахсга айланади. Унда жоҳиллик ривожланиб боради ва аста-секин қаҳрамоннинг қашшоқ, ночор, хўрланган ҳалқ билан бўлган муносабати йўқолиб боради. У раҳм-шафқатни, ачинишни билмайдиган кимсага айланади, айбизз дамашқлик қизларни ўлдиришни буоради. У қатор ғалабаларни қўлга киритади, лекин ўзи ҳам қулаб бориш ҳиссиётiga чулғаниб боради, ҳатто ўз ўғлини ўлдиради. Трагик зиддиятлар кучайиб боравериб, қаҳрамоннинг иродаси аста-секинлик билан йўқолиб боради. Энди Темурлангнинг иродаси илгаригидек буюк эмас. У Боязиднинг ўғли қўшинларини тўла тор-мор қила олмайди. Шундай қилиб, адабий қаҳрамонда тарихий шахсга хос бўлмаган ҳусусиятлар ривожлана боради.

Амир Темур ҳақида қатор асарлар яратган А.Ю.Якубовский Амир Темурнинг довюраклиги, сахийлиги, одамларни ажратса билиши, ўзига ёрдамчилар танлай билиш қобилиятини алоҳида таъкидлади [14, 9]. Аммо, ҳақиқатдан фарқли ўлароқ, инглиз ёзувчиси Кристофер Марлонинг асарида асосий қаҳрамоннинг сахийлиги ҳақида деярли эслатилмайди, аксинча, Темурланг бағритош, худбин, умр бўйи бойлик ва ҳокимиётга интилган шахс сифатида тилга олинади.

Асар охирида автор Темурланг образига бошқа трагик асар қаҳрамонлари каби ўлим билан якун ясади. Касаллик унинг босқинчилик ҳаракатини тўхтатади ва у афсус, надомат билан ворисига мурожаат қилади:

First, take my scourge and my imperial crown,  
And mount my royal chariot of estate  
That I may see thee crowned before I die [12, 122].

Ол қўлингга қамчи билан шоҳлик тожини,  
Жанг аравасига чиқиб, ўрнимга ўтири  
Сенга тож кийдириб, қабул қилай ўлимни [4, 120].

Юқоридаги мисолда асар қаҳрамони Темурланг ҳаётининг охирги дақиқаларида ҳам Тангрига сигинмасдан ворисига жанг жадалларни давом эттиришни васият қиласяпти. Бу ҳам художўй, қаттиқўл бўлса-да, диёнатли Амир Темур сифатига мос келмайди. Буюк жаҳонгир Амир Темур ўлими олдидан авлодларга шундай васият қилган: “Мен шундан таскин топаманки, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Сизлар ҳам ҳалқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туринглар, тинчликни асранглар” [10, 9]. Кўриниб турибдики, Амир Темурнинг охирги кунлари ва васиятлари Марлонинг асарида тасвирланганидан тамоман фарқ қиласяпти.

Хуласа қилиб айтганда, Марло яратган бебаҳо асар қаҳрамони Темурланг чин маънода реал шахс Амир Темур бобомиздан кескин фарқ қиласяпти. “Буюк Темурланг” асарида Темур шахсининг салбий ҳусусиятлари ҳаддан ташқари бўрттирилган, ижобий томонлари эса салбий ҳусусиятларга кўпроқ эътиборни қаратиш мақсадида камайтириб кўрсатилган. Амир Темурнинг ишлари ва фаолияти турли хил бадиий бўёқлар орқали бўяб кўрсатилган. Кристофер Марло “Буюк Темурланг” асарини ёзиш жараёнида ҳақиқатдан кўра кўпроқ адабий восита бўлган бадиий тўқимага мурожаат этган. Аммо, бундан драматург тарихий шахс тимсолини атайлаб салбийлаштириб кўрсатган, деган хуласага келиш ҳам нотўғри бўлар эди. Ёзувчи Темурланг образини мумкин қадар реал шахс ҳаётига таяниб яратишга ҳаракат қилган, аммо Марлогача ёзилган тарихий манбаларда Амир Темур ҳақида ҳақиқатга мос бўлмаган фикрлар мавжудлиги туфайли асардаги Темурланг образи ҳаётий Амир Темур тимсолидан йироқлашиб кетган. Шундай бўлса-да, бу асар адабнинг юксак бадиий маҳоратидан, унинг бошқа ҳалқлар тарихига катта қизиқиш билан қарашидан, Амир Темур шахсига ҳурмат-эҳтиромидан дарак беради.

### АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 328 б.
2. Дадабоев О. О степени исторической достоверности образа Амира Темура в драме К.Марло “Тамерлан великий” //Вестник Челябинского государственного университета. - 2013. - № 29. - Вып. 83. – С. 37-39.
3. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 1- жилд. – Т.: Мехнат, 1992. – 153 б.

4. Кристофер Марло. Соҳибқирон Темур. Маъруф Жалил таржимаси. – Т.: Адабсаннашр, 1989. – 122 б.
5. Lamb H. Tamerlane the Earth Shaker - London: Kessinger Publishing, 2005. – 356 р.
6. Marozzi J. Tamerlane: Sword of Islam, Conqueror of the World. Harper Perennial. - UK, 2005. – 480 р.
7. Маъруф Жалил. Соҳибқирон Темур. Таржимондан //Гулистан, 1970. - № 11. – 23 б.
8. Кристофер Марло. Сочинения //Вступ. ст. и комментарий А. Парфёнова. – Москва, 1961. – 665 с.
9. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: Фан, 1993. – 56 б.
10. Общественные науки в Узбекистане. – Т.: Фан, 1996. – 184 с.
11. Парфёнов А. Кристофер Марло. – М.: Худлит, 1964. – 220 с.
12. Christopher Marlow. Tamburlaine the Great. - London: Dover Publication, 2002. – 128 р.
13. Темур тузуклари. //Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1989. - № 8. – Б. 127-128.
14. Якубовский А. Ю. Тимур. Опыт краткой характеристики //Вопросы истории. – Москва, 1946. -№ 9. – С. 9.
15. Whetstone, English Mirror, цит, по. изд.: Christopher Marlowe, Tamburlaine the Great, intwoparts, edby U.M. Ellis-Fermor, London. 1951. – 298 р.

### **ЖОМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА “ДИЛ”НИНГ МАҶОЗИЙ МАҲНОЛАРИ**

**Мажитова Сабоҳат Жамиловна**

*СамДУ Филология факультети Тожик тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси  
маніја 2006@mail.ru*

**Таянч сўзлар:** дил, ғазал, рамз, тимсол, шоирлик маҳорати, маъновий талқин, ташбех, бадиий санъат, шоирона тасвир.

**Ключевые слова:** сердце, газель, символ, образ, поэтическое мастерство, смысловая трактовка, сравнение, художественное искусство, поэтическое изображение.

**Key words:** heart, ghazal, symbol, poetic skill, semantic interpretation, tashbeeh (analogous poetry), literary art, poetic description.

*Мақолада Жомий ғазалиётида “дил”нинг маънолар силсиласи “ташбех” санъати орқали кўрсатилган. Зоро, назмнинг асосий моҳиятини кашф қилиша бадиий санъат ва шоирона тасвирлар мифтоҳ каби ёрдам беради ва шу тифайли шоирнинг билим даражаси, шоирлик маҳорати ҳамда сухандоннинг эстетик завқу салиқасидан огоҳ бўламиз.*

*В данной статье рассмотрено своеобразие поэзии А.Джами. Нами отмечено, что особое значение в лирике поэта имеет поэтическое мастерство, которое является ключом к пониманию образов, созданных поэтом.*

*The meaning range of the word “dil”( a heart) is demonstrated through the tashbeeh art in the article. Because literary art and poetic descriptions help to discover the main essence of the poetry as a key. This is the reason why we become aware of poet’s knowledge degree, his skill as a poet and aesthetic enthusiasm of the articulator.*

“Дил” форс классик адабиётида жуда кўп ишлатиладиган сўзлар сирасига кириб, бадиият мулкида ўта теран ва хилма-хил маъно билан намоён бўлади. Жумладан “дил” сўзи ғазал мулкининг сultonи Хожа Ҳофиз девонида 594 марта, “туркий назм”да тенгиз бўлган Алишер Навоий қаламига мансуб “Девони Фоний” форсий ғазалларида 726 марта [1, 7-14] ва Абдураҳмон Жомий девонларида 820 марта ишлатилган.

“Фарҳанги забони тоҷики” да “дил” сўзига шундай шарҳлар берилган: 1. Инсон ва ҳайвон кўкрагининг чап томонида жойлашган, қон айланадиган узв(халтacha шаклида), қалб; 2. Ич, бирон нарсанинг ичи; 3. Ботин, хотир, жон, рух; 4. Фикр, андиша; 5. Майл, хоҳиш, ҳавас; 6. Дилбар, ёр, маҳбуба, дўст; 7. Довюраклик, шижоат ва журъат деган маъноларни англатади. Шу билан бирга бир неча ибора ва марқиблар ҳам шарҳланган [3, 370].

Айтиб ўтиш керакки, “Фарҳанги осори Жомий”да ҳам “дил” сўзига худди юқоридагидек шарҳларни кўрамиз. Форс тилининг мўътабар изоҳли луғатларидан бири Мухаммад Муъиннинг луғатида эса “дил” сўзининг 12 та маъноси қўйидаги тартибда берилган:

دل - عضو داخلى بدن بشکل صنوبى که ضربانها پش موجبدوران خون ميگردد،؟ قلب - ۲ - شکم - ۳ - خاطر، ضمير ۴ - جان، روان ۵ - مغزس - مغز درخت و مانند؟ آن - میان، وسط، درون، داخل، دل؟ درخت - ۸ - مرکز - ۹ - جرات، شهامت - ۱۰ - طیفه ربانی و روحانی و آن حقیقت انسان است و مدرک و عالم عارف و عاشق است ۱۱ - محل تفصیل معانی؛ نفس ناطقه ۱۲ - مخزن اسرارچ، قا [8, 1386].

Дил – 1. Уриб туриши томирларда қон айланishiiga сабаб бўладиган ички орган; 2. қорин; 3. хотир, замир; 4. жон, рух, равон; 5. мия; 6. дараҳт ичи ва шунга ўхшаш нарса; 7. нарсанинг ўртаси, ичи, мағзи, ботин, дараҳтнинг ўзаги; 8. марказ; 9. журъат, шаҳомот; 10. раббоний ва